

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 136 (658), 2022 йил 7 июль, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ЛОЙИҲАЛАШ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 6 июль куни архитектура, қурилиш ва шаҳарсозлик бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Қурилиш — ҳаёт талаби, иқтисодиётнинг етакчи соҳаларидан бири. Юртимизда бу соҳага кенг имкониятлар берилгани натижа-сида бунёдкорлик суръати ошди. Сўнгги беш йилда 250 минг хонадонли 8 мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар, 21 мингта сервис ва 10 мингдан зиёд ижтимоий объектлар, 31 минг-та корхона ташкил этилди.

Шу даврда қурилиш ишлари ҳажми 4 ба-раварга ошиб, 2021 йилда 107 триллион сўмни, жорий йилнинг беш ойида 46 трил-лион сўмни ташкил этди.

Бундай ўсиш яхши, албатта. Лекин соҳада лойиҳалаш ва сифат борасида ҳали камчи-ликлар бор. Ҳамма қурилиш билан бўлиб, архитектура орқада қолиб кетди.

Шу боис, йиғилишда, аввало, лойиҳалаш ва қурилиш ишларини тартибга солиш маса-лаларига эътибор қаратилди.

Кўп жойларда илгари тасдиқланган Бош режалар аҳоли ва иқтисодиётнинг бугунги ўсишига мос келмай қолган. Хорижий экс-пертларнинг таҳлилларига кўра, Бош режа-лар бўлмаса, 2030 йилга бориб, инфрату-зилма харажатлари 2 бараварга ошади ва қишлоқ хўжалиги ерлари 30 минг гектарга камайиб кетади.

Шу боис, лойиҳалаш ва қурилиш ишлари борасида янги тизим жорий этилиши белги-ланди. Унга кўра, ҳудудларнинг Бош режаси ва "мастер режа"ларини ишлаб чиқиш бўйи-ча Республика кенгаши тузилади. Қурилиш вазириликда Бош архитектор лавозими жо-рий қилиниб, унга вазирнинг биринчи ўрин-босари мақоми берилди.

Вилоятларда "лойиҳа офислари" очилиб, уларга ҳокимнинг биринчи ўринбосари ва

вилоят Бош архитектори масъул бўлади. Шунингдек, туман ва шаҳар қурилиш бўли-мига архитектор раҳбарлик қилади.

Бош режа ва "мастер режа"ни ишлаб чи-қиш янгича ёндашув асосида, 3 босқичда бў-лади. Биринчи босқичда Республика кенгаши муайян вилоятнинг 5, 10 ва 20 йиллик ривож-ланиш йўналишлари, ер ва инфратузилма че-гараларини белгилайдиган "Бош схемаси"ни тасдиқлайди. Улар асосида, иккинчи босқич-да, ҳудуднинг Бош режаси ишлаб чиқилади. Бунда саноат, хизмат кўрсатиш ва аҳоли мас-канларини белгилаш, йўллар ва инфратузил-ма тармоқларини тақсимлаш кўзда тутилади. Учинчи босқичда Бош режаларга асосан, вилоят, туман ва шаҳар бош архитекторлари ҳамда ҳокимнинг биринчи ўринбосарлари ўз ҳудудининг "мастер режа"ларини тасдиқлай-ди. Бунда уй-жойлар, мактаб, боғча, шифо-хона, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари-нинг жойлашуви кўрсатилади.

Бир сўз билан айтганда, энди Қурилиш вазирилик қайсидир маҳаллада дўкон қаер-да бўлиши ёки бино қандай ёритилиши бил-лан шуғулланмайди. Бундай масалалар ту-ман ва маҳалла даражасида ҳал бўлади.

Давлатимиз раҳбари шаҳарсозлик қоида-ларини такомиллаштириш ҳамда халқаро меъёрларга мослаштириш зарурлигини таъ-кидлади.

Жумладан, халқаро стандартлар асосида тайёрланган лойиҳаларга Техник кенгаш ҳу-лосасини олиш тартиби бекор қилинади, хо-рижда экспертизадан ўтказилган лойиҳалар тўғридан-тўғри тан олинади.

Бундан ташқари, қурилишда товарлар ва хизматлар нархини шакллантириш тизими

ҳам тартибга солинмаган. Ишларни баҳолаш бўйича яхлит ёндашув йўқ. Оқибатда талон-тароғчилик ва коррупция кўп.

Шу боис, шаҳарсозлик меъёрларидан қурилиш ишларини баҳолаш билан боғлиқ 147 та норма чиқариб ташланадиган бўл-ди. "Қурилиш ресурслари классификатори" платформасини ишга тушириб, 100 мингдан зиёд қурилиш материаллари ва хизматла-рининг бозор нархини шакллантириш вази-фаси қўйилди.

Шунингдек, лойиҳаларни тайёрлаш муд-датини камайтириш мақсадида "Шаффоф қурилиш" дастурида "электрон каталог" яратилиб, ижтимоий объектларнинг наму-навий лойиҳалари жойлаштириб борила-ди. Ундан барча бюртмачилар ва лойиҳа-пудрат ташкилотлари эркин фойдаланиши мумкин бўлади.

Йиғилишда вилоят ҳокимликлари қоши-даги Ягона буюртмачи компаниялар фао-лияти таҳлил қилинди. Уларга хорижий менежерлар, малакали архитектор ва му-ҳандисларни жалб қилиш, қурилиш жараёни ва иш ҳажмини ҳисоблашни рақамлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, келгуси йилдан Ягона буюртмачи компанияларнинг лойиҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқиш, янги қурилиш-лар бўйича техник назорат функциялари босқичма-босқич аутсорсинг асосида хусу-сий секторга берилди.

Президентимиз қурилишлар сифати масаласига алоҳида тўхталди.

Бу соҳадаги давлат назорат инспекция-си ходимлари ўз фаолиятини кўпроқ жа-рима қўллашдан иборат, деб ҳисоблайди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 июль куни Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Нурсултон Назарбоевни таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар тилади.

Мулоқот чоғида кейинги йилларда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари юқори суръат билан ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қозоғистоннинг биринчи Президенти Ўзбекистон раҳбарига табрик учун миннатдорлик билдириб, мамла-катимиздаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар изчил давом эттирилишига ишонч билдирди.

Суҳбат якунида Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев муборак Қўрбон ҳайити билан бир-бирини самимий қутлаб, биродар халқларимизга тинчлик-осо-йишталик ва бардавом равнақ тиладилар.

ЎЗА

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2022-2026 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

2019-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини иннова-цион ривожлантириш стратегиясининг амалга оширилиши натижасида иқти-содиёт тармоқлари ва ижтимоий со-ҳада, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги, энергетика, қурилиш, таълим, соғлиқни сақлашда инновацион ва технологик ривожланишни таъминлаш ва рағбат-лантириш борасида катта ютуқларга эришилди. Хусусан:

республикада 81 та индикатор бўйича баҳоланадиган Глобал ин-новацион индекси рейтингинда 2015 йилга нисбатан 36 та поғонага кўта-рилди;

инновация ва илм-фан соҳалари-га Давлат бюджетидан ажратилади-ган йиллик маблағлар ҳажми 2018 йилга нисбатан 3 бараварга оши-рилди ва 1,5 триллион сўмга етка-зилди;

ёш олимлар 2018 йилда 6,5 минг нафар бўлган бўлса, 2022 йилда уларнинг сони 10,8 минг нафарни ташкил этди, яъни бир ярим бара-варга ўсди;

охирги 4 йилда инновацион фаолият-ни молиялаштириш бўйича махсус ин-ститутлар (инновацион жамғармалар, венчур ташкилотлар ва бошқалар) сони 28 тага етказилди;

2018 йилдан бошлаб ҳар йили ўтқа-зилаётган Халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги — "Inpweek.uz" хорижий инновацион ва илмий марказлар, ин-вестицион фондлар, технологик агент-ликлар, технопарклар ва бизнес-инкуба-торларни бир мақсад йўлида жамловчи инновацион технологиялар платформа-сига айланмоқда.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг реал секторига илмий ва инновацион ишлан-маларни таъминлаш билан саноат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари нисбатан паст бў-либ қолмоқда.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2022-2026 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2022 йил 6 июлдаги "2022-2026 йил-ларда Ўзбекистон Республикасининг ин-новацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-165-сон фар-мони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагиларга:

ҳудудлар раҳбарлари, нефть, газ, энергетика, йўл инфратузилмаси, ав-томобиль саноати, темир йўлда ташвиш соҳаларидаги корхоналар раҳбарлари-га — инновациялар жорий қилинган кор-хоналар, инновацион технологиялар,

расмийлаштирилган ихтиролар сони пастлиги, маҳаллий ишланмаларнинг тижоратлаштирмаганлиги, соҳаларга инновацион технологияларни кенг жо-рий қилишда сусткашликка йўл қўйил-гани, илмий ташкилотлар билан ўзвий ҳамкорликни ўрнатилмаганлиги, инно-вацияларни қўллаб-қувватлаш мақса-дида маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратилмаганлиги;

олий таълим муассасалари ҳамда ил-мий ташкилотлар раҳбарларига — илмий фаолиятга оид давлат дастурларида

грант лойиҳаларининг улуши пастлиги, уларнинг тижоратлаштириш жамғар-маларига маблағ ажратилмаётганлиги, илмий лойиҳалар бўйича патентлар олинмаганлиги, халқаро нашрларда илмий мақолалар чоп этилмаганлиги, илмий кадрларни тайёрлаш жараёни паст даражада ташкил қилинганлиги, тармоқларга хизмат кўрсатиш соҳаси етарли даражада ривожланмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

ИЛМГА АСОСЛАНГАН УРУҒЧИЛИК ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР катта даромад манбаи

Қишлоқ хўжалиги — иқтисодиётимизнинг муҳим сектори. Ялли ички маҳсулотнинг қарийб 28,5 фоизи, мамлакат бўйича иш билан таъминланиш даражасининг 30 фоизидан ортиғи мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келади. Аграр соҳа ривожига илм-фан ва амалиёт интеграциясини чуқурлаштиришнинг аҳамияти катта. Жаҳонда кузатилаётган иқтисодий ва экологик муаммолар инновацион технологияларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини ошириш заруратини юзага келтиради. Табиий ўсимлик тодалари тўқимачилик саноатида кенг қўлланилади. Мана шу жиҳат пахта толасига талаб ошишига олиб келмоқда.

Давоми 4-бетда



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТ:

ИНСОН ҚАДРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — БОШ МАҚСАД

Жорий йил 2-5 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Женевага ташриф буюрди. Ташриф доирасида халқаро ташкилотлар ва дипломатик миссиялар раҳбарлари билан ҳамкорликда ўзаро учрашув, амалий мулоқот ҳамда анжуманлар ўтказилди.

Хусусан, 4 июль куни Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига "Конституциявий ислохот: инсон қадри ва ҳуқуқларини таъминлаш — бош мақсад" мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давоми 3-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг

инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

Республикада инновацион ривожланишни жадаллаштириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида инновациялар ва технологияларни кенг татбиқ қилиш, инсон капиталини, илм-фан ва инновация соҳаларини ривожлантириш мақсадида:

1. **2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси** (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Стратегиянинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

инновацион инфратузилма субъектлари (инновацион технологик парк, технологиялар трансфери маркази, инновацион кластер, венчур ташкилот, инновация маркази, стартап акселератор, инкубатор) тармоғини шакллантириш орқали **стартап ташаббусларни қўллаб-қувватлаш** ҳамда **кириқ ҳажмли** ишлаб чиқаришни (капитал яратиш) ташкил этиш;

инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг **институционал механизмлари**ни тақомиллаштириш орқали **инновацион фаол ташкилотлар** улушини ошириш;

кичик тадбиркорликнинг инновацион фаоллигини ошириш орқали **худудларнинг ижтимоий-иқтисодий** жадал уюшини таъминлаш;

янги турдаги маҳсулотлар ва инновацион технологиялар яратишнинг **ғоядан яқиний истеъмолчигача** бўлган **комплекс тизимини** таъминлаш орқали **инновацияларга бўлган талабни рағбатлантириш**;

яратилган капитални “тубдан янгилловчи” инновацияларга қайта йўналтириш тизимини шакллантириш;

таълимнинг барча bosқичларида яратувчанлик, инновацион тадбиркорлик ва рационализаторлик кўникилларини ривожлантириш орқали инновацион фаолият бошқарувда **инсон капиталини янада ривожлантириш**.

Белгилансинки, Стратегия эришилган натижалар ва мақсадли кўрсаткичлар бўйича тегишли асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, **2024 йилдан бошлаб алоҳида-алоҳида тасдиқланадиган “Йўл харитаси”** асосида bosқичма-bosқич амалга оширилади.

3. Қуйидагилар:

2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оширишнинг мақсади кўрсаткичлари (кейинги ўринларда — Мақсадли кўрсаткичлар) 2-иловага мувофиқ;

2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оширишнинг ҳуудлар кесимидаги мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

а) Мақсадли кўрсаткичлар, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутаяди:

инновацион фаолият субъектлари (саноат ишлаб чиқариш ташкилотлари) сонини **613** тадан **2 250** гагача етказиш;

инновацион инфратузилма субъектлари (технопарклар, технологиялар трансфери марказлари, инновацион кластерлар, венчур ташкилотлар, инновация марказлари, бизнес-инкубаторлар ва акселераторлар) **сонини 3 бараварга ошириш**;

инновацион тадбиркорлик натижасида яратиладиган **янги иш ўринлари сонини 4 бараварга** ошириш;

ички ва ташқи бозорларда **тижоратлаштириш натижасида** яратиладиган **янги инновацион ишланмалар** сонини **2 бараварга** ошириш;

б) Стратегияни ҳудудлар кесимида амалга оширишнинг мақсади кўрсаткичлари, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутаяди:

худуддаги инновацион марказлар **сонини 494** гагача етказиш;

технологик инновациялар билан шуғулланувчи маҳаллий саноат корхоналари **сонини 600** гагача етказиш;

худудларда яратиладиган янги технологиялар **сонини 384** гагача ошириш;

худудларда йиллик рўйхатга олинган патентлар **сонини 184** гагача етказиш;

хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган илмий, инновацион ва технологик лойиҳалар **сонини 183** гагача ошириш;

инновацион стартаплар **сонини 1 437** гагача етказиш.

5. 2022 йил 1 августдан бошлаб инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишда **“тармок-худуд-илмий/олий таълим ташкилот”** занжирининг қуйидагиларга асосланган **яхлит тизими жорий этилсин**:

худудий тармок ташкилотлари инновацияларга бўлган **эҳтиёж(лар) портфелини ишлаб чиқиб**, Инновацион ривожланиш вазирлигининг ҳудудий бошқармаларига тақдим этади;

Инновацион ривожланиш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари тармок муаммоларининг илмий ечимини таъминлаш бўйича ижрочи илмий/олий таълим ташкилотини (инновацион спин-офф компаниясини) **танлов асосида аниқлайди**;

танлов натижаларига кўра илмий/олий таълим ташкилоти (инновацион спин-офф компания) **“1+1” принципи** асосида тармок ташкилотлари билан бирга ишлаб чиқилган лойиҳаларни **молиялаштиради**;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан ишлаб чиқаришни бозорда муваффақиятли ўзлаштирилган инновацион маҳсулотларни кенгайтириш ва келгусида сериялаб саноатда ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида **инвестиция портфели** ишлаб чиқилади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов) бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган “тармок-худуд-илмий/олий таълим ташкилот” занжирини амалиётга тўлиқ ва сифатли татбиқ қилиш бўйича тартибни ишлаб чиқсин ва тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш

стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

2. Қуйидагилар:

а) **2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини 2022-2024 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”** (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 1-иловага мувофиқ;

б) **2022-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ва стартап лойиҳалар рўйхати** 2-иловага мувофиқ;

в) **тармоклар бўйича:**

2022-2023 йилларда иқтисодиётнинг реал сектори тармоклари томонидан янги инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича амалга ошириладиган аниқ устувор лойиҳалар рўйхати 3-иловага мувофиқ;

2023-2026 йилларда иқтисодиёт тармокларида амалга ошириладиган “драйвер” инновацион лойиҳалар рўйхати 4-иловага мувофиқ;

иқтисодиёт тармоклари ташкилотлари томонидан янги ишланма ва технологиялар асосида илмий ҳажмдор ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш лойиҳаларини амалга оширишнинг **2023-2026 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари** 5-иловага мувофиқ;

г) илмий ва олий таълим ташкилотлари бўйича:

2022-2023 йилларда илмий ташкилотлар томонидан янги ишланма ва технологияларни яратиш ва жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш дастури 6-иловага мувофиқ;

2023-2026 йилларда илмий ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган “драйвер” инновацион лойиҳалар рўйхати 6а-иловага мувофиқ;

2022-2024 йилларда инновацион фаолиятнинг истиқболли йўналишларида илмий ташкилотлар ҳузурида ташкил этиладиган, илмий ҳажмдор маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги инновацион академик корхоналар рўйхати 6б-иловага мувофиқ;

2022-2023 йилларда олий таълим ташкилотлари томонидан янги ишланма ва технологияларни яратиш ва жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш дастури 7-иловага мувофиқ;

2023-2026 йилларда олий таълим муассасалари томонидан амалга ошириладиган “драйвер” инновацион лойиҳалар рўйхати 7а-иловага мувофиқ;

2022-2024 йилларда инновацион фаолиятнинг истиқболли йўналишларида олий таълим

муассасалари ҳузурида ташкил этиладиган, илмий ҳажмдор маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги инновацион корхоналар рўйхати 7б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги **2023 йил 1 декабр**га қадар 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясида эришилган натижалар ва мақсадли кўрсаткичлар ҳамда тегишли давр учун иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, мазкур Стратегияни амалга ошириш юзасидан келгуси икки йилга мўлжалланган “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг сифатли ишлаб чиқилиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини ташкил этсин.

3. Мазкур қарорга 5-иловада кўрсатилган тармок ташкилотлари Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда, илмий ҳажмдор ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш лойиҳаларини амалга оширишнинг **2023-2026 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларига мувофиқ ҳар йили ишлаб чиқиладиган “йўл хариталари” асосида ўз маблағлари ҳисобидан илмий ҳажмдор ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этсин**.

4. **2022-2024 йилларда истиқболли йўналишларда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ташкил этиладиган, илмий ҳажмдор ва инновацион маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги инновацион (spin-off) корхоналар рўйхати** 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, **янги инновацион корхоналар:** иқтисодиёт тармоклари ва ижтимоий соҳада ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнларида ресурсларни мақбуллаштирган ҳолда талаб юқори бўлган ва истиқболли инновацияларни кенг жорий этиш мақсадида ташкил этилаётган **илмий ҳажмдор корхоналар ҳисобланади**;

фаолияти давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳамкорлигида давлат илмий дастурлари доирасида, маҳаллий бюджет ва тадбиркорлик субъектлари маблағлари **ҳисобиға амалға оширилади**.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳар йили илмий ҳажмдор маҳсулот (хизматлар) ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги инновацион корхоналарда ракобатбардор янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштириш лойиҳаларига **давлат илмий дастурларига ажратилган маблағларнинг 10 фоизи йўналтирилиши** таъминлансин.

6. Белгилансинки:

а) 2022 йил 1 августдан **“тубдан янгилловчи” инновациялар яратишни** рағбатлантиришнинг қуйидаги тизими жорий этилади:

маҳаллий илмий ташкилотлар ва корхоналарга инновацион товарлар ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва техник қўллаб-қувватлаш бўйича давлат органлари ва йирик давлат ташкилотлари билан шартномаларни **тўғридан-тўғри имзолаш ҳуқуқи** берилиб, савдо харидлари **Электрон кооперация портали орқали амалга оширилади**;

устав фондида 50 ва ундан ортиқ фоиз давлат улуши бўлган ҳўжалик жамиятларида **фойда солиғини тўлагунға қадар фойданинг 10 фоизгача миқдоридаги ажратмалари** ҳисобидан корхоналарнинг алоҳида ҳисоб рақамида шакллантириладиган **Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғарма** (кейинги ўринда — Жамғарма)лари ташкил этилади. Бунда:

Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари “тубдан янгилловчи” инновацияларни яратишга ва **жорий қилишға йўналтирилади**;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилладиган **лойиҳалар портфели** Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилади;

Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков устав фондида 50 ва ундан ортиқ фоиз давлат улуши бўлган ҳўжалик жамиятлари томонидан мазкур банднинг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган маблағларни Жамғармаларга ўз вақтида ажратиш ва ундан мақсадли фойдаланиш устидан **тизимли назоратни амалға оширади, шунингдек, ҳар ярим йилда улар раҳбарларининг ҳисоботини эшитади**.

Молия вазирлиги Ҳисоб палатаси ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда устав фондида 50 ва ундан ортиқ фоиз давлат улуши бўлган ҳўжалик жамиятларида жамғарма ташкил этилиши, унинг маблағлари тасдиқланган **миқдорда шакллантирилиши ҳамда мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатсин**;

б) ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда улушли молиялаштириш механизмига мувофиқ янги ишланмаларни жорий этиш асосида яратилган инновацияларни — интеллектуал мулкни ишланма эгалари билан биргаликда **патентлаш ва тижоратлаштириш ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилади**.

7. Қуйидагилар:

2026 йилга келиб мамлакатимиз Глобал инновацион индекс рейтингни бўйича жоханинг **56** та илгор мамлакати **қаторига киришиға** эришишни **бош мақсад** қилиб қўйганлиги;

2021 йилда Глобал инновацион индекс рейтингни эълон қилинганлиги, унда Ўзбекистон ўтган йилга нисбатан **7** та поғонаға кўтарилиб, **132** та давлат орасида **86-ўринни** эгаллаганлиги, шу сабабли энг катта поғона юқорилиган мамлакатлар **топ-10** талиғига кирганлиғи маълумот учун қабул қилинсин.

Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши (Т.Нарбаева) Инновацион ривожланиш вазирлиғи, манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда Глобал инновацион индекс рейтингида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича **2022-2026 йилларға мўлжалланган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалға оширсин**.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиғи ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиғи билан биргаликда етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда **“Инновацион менежмент”, “Лойиҳа бошқаруви”, “Тижоратлаштириш”, “Интеллектуал мулкни бошқариш”** йўналишлари бўйича **ўқув дастурларини** ишлаб чиқсин ва 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб тегишли олий таълим муассасаларида жорий қилсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиғи Инновацион ривожланиш вазирлиғи билан биргаликда меҳнат бозорига инновацион ривожланиш йўналишидаги кадрларга бўлган реал эҳтиёждан келиб чиқиб тайёрланган кадрлар тақсимотини ва бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

9. Наманган вилояти **Чуст тумани ҳокимининг инновацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари** лавозимни жорий этилганлиғи ҳамда унинг фаолияти давомида ижобий кўрсаткичларга эришилганлиғи маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ўз туман (шаҳар)ларининг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, инновацион ҳудудга айлантириш мақсадида ҳар бир ҳудудда қўшимча **туман (шаҳар)ларни белгилаш ҳақидаги таклифига розилик берилсин** ҳамда ушбу ҳудудлар **рўйхати** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Нукус, Марҳамат, Ромитан, Дўстлик, Нишон, Кармана, Ургут, Сидраёв, Олтинсой, Оҳангарон, Олтиғарик ва Гурлан ҳамда мазкур фармоннинг 4-иловада келтирилган туманларда **ҳокимнинг инновацион ривожланиш масалалари бўйича ўринбосари** лавозимлари жорий қилинсин.

Белгилансинки:

ҳоким ўринбосарлари лавозимлари **тегишли туман бюджети маблағлари** ҳисобидан молиялаштирилади;

Инновацион ривожланиш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ҳамда тегишли туман ҳокимларининг инновацион ривожланиш масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамкорлигини ташкиллаштиради.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 6 июль

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш

стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

лойиҳалар рўйхатига асосан **Инновацион ривожланиш вазирлиғи ҳайъати қарорига мувофиқ давлат илмий дастурлари доирасида бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади**;

“Inno texnopark” МЧЖ тасарруфидаги ўқув-илмий лаборатория асбоб-ускуналаридан тегишлича талабалар ва докторантлар бепул фойдаланади.

6. **“Inno texnopark” МЧЖ ва унинг резидентларига** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5099-сон фармонининг 5-банди билан IT-парк резидентларига берилган **имтиёзлар** (ижтимоий солиқдан ташқари) ва **преференциялар 2022 йил 1 августдан бошлаб татбиқ этилсин**.

“Яшнобод” инновация технопарки резидентлари учун 2022 йил 1 августдан бошлаб 2025 йил 1 августга қадар айланмадан олинадиган **солиқ ставкаси 1** фоиз этиб белгилансин.

Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков Инновацион ривожланиш вазирлиғи, Молия вазирлиғи, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда **“Inno texnopark” МЧЖ ва “Яшнобод” инновация технопаркига резидентликка қабул қилишнинг янгиланган тартибни тасдиқласин**.

7. Қуйидагилар:

а) **Бош вазир ўринбосари С.У.Умурзаков** зиммасига:

мазкур қарорнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлаш, “Йўл харитаси”ни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар **фаолиятини самарали ташкил қилиш ҳамда мувофиқлаштириш**;

инновация масалалари бўйича раҳбар ўринбосарлари фаолияти натижадорлигидан келиб чиқиб, уларни рағбатлантириш ёки интизомий, шу жумладан, эғаллаб турган лавозимидан озод қилишга бўлган қатъий чораларни қўриш, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф қилиш;

б) **инновацион ривожланиш вазир**и **И.Ю.Абдурахмонов** зиммасига вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари,

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 6 июль

Ш. МИРЗИЁЕВ

Бошланиши 1-бетда

Ушбу тadbирда Женевада жойлашган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳи, Парламентлараро Иттифoқ, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Бошқармаси, Халқаро меҳнат ташкилоти, Ўлим жазосига қарши халқаро комиссия, ЮНИСЕФ раҳбарияти ва ходимлари, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси, ноҳукумат ташкилотлар фаоллари, хорижий давлатларнинг Женевадаги ваколатхоналари бошликлари, Швейцария оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон делегацияси раҳбари,
Конституциявий комиссия раиси:

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ислоҳ этишдан кўзланган асосий мақсад “Инсон қадри учун” ғоясини ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган “Инсон — җамият — давлат” деган ёндашувни Конституцияимизнинг мазмунига чуқур сингдириб, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида амалий ҳаётимизнинг бош қадриятига айлантиришдир. Чунки инсон қадрини юксалтириш ҳақиқатдан давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифаси бўлмоғи шарт.

Президентининг Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши керак”. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи билан боғлиқ тақлиф ва тавсиялар жамоатчилик эътиборига ҳавола этилгани алоҳида диққатга сазовор.

Конституцияимизга “Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади”, деган яна бир муҳим нормани киритиш тақлиф қилинди. Нега деганда, яшаш ҳуқуқи — ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқи бўлиб, унга бу ҳуқуқни давлат эмас, Яратганнинг ўзи ато этган.

Кўплаб давлатларнинг Конституция ва қонунларида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда ақс этган, шахсни ушлаш чоғида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани содда тилда тушунирилишини назарда тутадиган “Миранда қоидаси” Конституцияимизда муҳрлаб қўйилмоқда. Шунингдек, “Хабеас корпус” институтини ривожлантиришга жиддий аҳамият берилаяпти.



Қайд этиш жоизки, давра суҳбатида сўнги йилларда Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида ижобий ислохотлар амалга оширилганлиги, энг муҳими, ана шу шиддатли ўзгаришларнинг марказида инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи тургани халқаро мулоқот иштирокчилари томонидан мамнуният билан таъкидланди. Хусусан, мамлакатда гендер тенгликка эришиш, фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш, сўз эркинлигини таъминлаш борасида муҳим ютуқлар қўлга киритилгани юқори баҳоланди.

Айниқса, Ўзбекистондаги конституциявий ислохотнинг устувор тамойиллари ва ғоялари БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларининг “Ҳеч кимни оғриқ қолдирмаслик” шиори билан ҳамохан эканлиги алоҳида эътироф этилди. Зеро, бу муҳим омил инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлашда улкан аҳамият касб этади.

Мартин ЧУНГОНГ,
Парламентлараро Иттифoқ
Бош котиби:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби олийларининг мамлакатингиз конституциявий асосларини ислоҳ этиш ва такомиллаштиришга қаратилган ташаббуси таҳсинга сазовор.

Асосий қонунга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтказилаётгани ва ушбу жараёнда жамоатчиликнинг кенг иштирок этаётгани, ўз навбатида, бўлажак референдумнинг юксак ушшоқлиги билан ўтишига йўл очди. Тақлиф этилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар, ҳеч шубҳасиз, халқаро стандартлар талабларига мос келади.



Дунёнинг бошқа мамлакатларидаги конституциявий ислохотлар соҳасида Парламентлараро Иттифoқ тўплаган тажриба Ўзбекистоннинг бу борадаги ҳозирги қатъий йўли ва ибратли амалиётига монанд ҳамда

Ҳейнз КОЛЛЕР,
Халқаро меҳнат ташкилотининг
Бош директори ўринбосари,
Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари
бўйича минтақавий директори:

— Шу йил март ойида Ўзбекистонга амалга оширган ташрифим самараларидан жуда ҳам хурсандман. Мамлакатингизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилгани, “Cotton Campaign” томонидан ўзбек пахтасига нисбатан бойкотнинг бекор қилингани ва пандемия шароитига қарамай, юртингизга Европа Иттифoқи томонидан “GSP+” бенефициари мақоми тақдим этилгани — буларнинг барчасини юксак баҳолайман.



Бу салмоқли натижалар, аввало, Ўзбекистон Президентининг қатъий ва мустаҳкам сиёсий иродаси самараларидир. Албатта, Президент жамоаси, шу жумладан, барча ижтимоий шериклари яқин ҳамкорликда тиришқоқлик билан ишлаганини ҳам эътироф этиш керак.

“ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТАЪКИДЛАГАНИДЕК, “ИНСОННИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ, ШАЪНИ ВА ҒУРУРИ БУНДАН БУЁН БАРЧА СОҲАЛАРДА БИРИНЧИ ЎРИНДА ТУРИШИ КЕРАК”. БУ БОРАДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТОМОНИДАН ИНСОН, УНИНГ ҲАЁТИ, ЭРКИНЛИГИ, ҚАДР-ҚИММАТИ, ДАХЛСИЗ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИ МАСАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАҚЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТИЛГАНИ АЛОҲИДА ЭЪТИБОРГА САЗОВОР.

Диего ГАРСИЯ-САЯН,
БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг
Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги
масалалари бўйича махсус маърузачиси:

— Фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда адвокатлар ва судьяларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш жуда муҳимдир. Бу борада Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби олийларининг бевосита раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижобий янгиланишлар юксак баҳога лойиқ.

Ўзбекистоннинг янги Президентининг мамлакат бошқарувида келган даврдан эътиборан, юртингиз ҳаётининг барча соҳаларида демократик ўзгаришлар шиддатли суръатларда амалга оширилаётганини кузатиб келмоқдамиз. Шу жумладан, очкичлик ва транспарентликни таъминлаш, судьялар ва адвокатларнинг мустақиллигига эришиш йўлида салмоқли одимлар қўйилганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ўзбекистонга бундан уч йил олдин амалга оширган ташрифимни мамнуният билан эслайман.



Ушанда Ўзбекистон Президенти ва тегишли муассасалар раҳбарлари билан самарали мулоқотлар олиб боргандик.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзaro ишончга асосланган ана шу мулоқотларимиз ўз мевасини берганини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки айна вақтда мамлакатингизда ҳуқуқ устуворлигини

таъминлаш жараёнлари ижобий томонга изчил ривожланаётганини кўриб турибмиз.

Мамлакатингизда ўлим жазоси қўлланимаслиги ҳақидаги норманинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилишини олқишлайман. Албатта, “Хабеас корпус” институтини ривожлантиришга жиддий аҳамият берилаётгани ва барча шахсларнинг мамлакат ҳудудида эркин ҳаракатланиши кафолатланаётгани ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир.

Конституцияингизда қонун устуворлиги принциплари ўрнатилаётгани диққатга сазовор. Айниқса, “Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат” тамойилининг янгиланаётган Асосий қонунда ўз аксини топиши ҳавас қилса арзиғулиқ.

Шу ўринда Бош Қонунингизда том маънодаги ҳуқуқий давлат барпо этишнинг кафолати бўлиб хизмат қиладиган конституциявий нормалар қарор топишига чин дилдан тилақдошман. Чунки бунинг натижасида судьялар, янада муҳими, адвокатларнинг ҳақиқий мустақиллиги сўзсиз таъминланади.



Рута ДРЕЙФУС,
Ўлим жазосига қарши халқаро
комиссия вице-президенти,
Швейцариянинг собиқ
Президенти:

— Халқаро комиссиямиз Марказий Осиёни ўлим жазосидан холи

“ПРЕЗИДЕНТИНГИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ МАМЛАКАТНИ ТАРАҚҚИЁТ, ДЕМОКРАТИЯ ВА ҲУҚУҚ УСТУВОРЛИГИ САРИ ДАДИЛ БОШЛАБ БОРАЁТГАНИНИ ЯҚҚОЛ КЎРИБ ТУРИБМАН. БУ ЙЎЛ, ЎЗ НАВБАТИДА, ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН МАЙДОНИДА ЎЗИНИНГ МУНОСИБ ЎРНИГА ЭГА БЎЛИШНИ ТАЪМИНЛАШИГА ИШОНАМАН.

Роберт БЛЮМ,
Женева Дипломатлар доираси
Президенти:

— Шавкат Мирзиёев Жаноби олийларининг Президент лавозимига сайланиши ва юртингизда шиддатли ислохотлар жараёнининг бошланиши тимсолида Ўзбекистон қайтадан дунёга келди гуё. Шу нуқтага назардан, давлатингиз раҳбарининг Конституцияни такомиллаштириш ташаббусини мамлакатингиз истиқболи йўлидаги ўта муҳим қарор, деб ҳисоблайман.

Асосий қонунни ўзгартириш жараёналарининг эътиборга молиқ жиҳатлари бисёр. Айниқса, янгиланаётган Конституцияда “Ўзбекистон — ижтимоий ва ҳуқуқий давлат” деган янгича мақоми мустаҳкамлаб қўйиш бўйича астойдил иш олиб борилаётгани эътирофга сазовор.

Конституциявий ислохот, аввало, инсон ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу муҳим жараён Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида дунёдаги нуфузли халқаро ташкилот — БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолиги даврида

минтақага айлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларинингизни қизгин қутлайди. Ишончим комилки, бу эзгу инициативалар ўз самарасини беради ва Европа Иттифoқидан кейин Марказий Осиё ўлим жазосини тўлиқ тақиқлаган иккинчи минтақа мақомига эга бўлади.

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби олийлари раҳбарлигида амалга оширилаётган ўзгаришларни Швейцария жамоатчилиги чуқур ҳайрат билан кузатиб бормоқда. Конституциявий ислохот асосида Ўзбекистоннинг Асосий қонунига ўлим жазоси қўлланишининг тақиқланишига оид норма киритилаётганини тўла кўллаб-қувватлайман. Бундай конституциявий тузатиш Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий принципи бўлмиш яшаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш имконини беради ва буни таъкидлаётганимдан мамнунман.

Анна-Катерин ҲАНН,
Фрибур университети профессори
(Швейцария):

— Даставвал, Швейцарияда амалга оширилган конституциявий ислохотлар ва бу борада ўзим тўплаган тажриба ҳақида мухтасар тўхталаман.

Мамлакатимиз Асосий қонунчи 1848 йилда тасдиқланган бўлиб, ўтган даврда унга бир неча бор ўзгартиришлар киритилган. Шулар орасида 1999 йилги конституциявий ислохот алоҳида аҳамиятга эга.

Таҳлилларимга кўра, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохот 1999 йилда Швейцариянинг янгиланган Конституциясини қабул қилиш жараёнарига жуда ўхшайди. Ушанда мамлакатимизда федерал адлия ислоҳ этилган ва швейцариялик фуқароларга қўшимча сиёсий ҳуқуқлар берилган.

Швейцариянинг Асосий қонунини, шунингдек, бошқа бир қатор дастуриламал ҳуқуқлар кодификацияштирилган. Бинобарин, бу ҳуқуқларни илгарӣ фақат суд амалиёти ва қонуности ҳужжатлар орқалигина билганмиз.



Жианни МАГАЗЗЕНИ,
БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари
Бошқармасининг Универсал даврий шарҳ бўлими
бошлиғи:

— Ўзбекистонда инсон қадри ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ислохотлар амалга оширилаётганини кўллаб-қувватлайман. Мамлакатингиз инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятлари юзасидан Универсал даврий шарҳ муҳокамаси бўйича катта ижобий тажрибага эга.

Бу ўринда, айниқса, 2018 йилда Ўзбекистон Универсал даврий шарҳнинг учинчи босқичи доирасида тақдим этилган 212 та тавсиямиздан 198 тасини қабул қилгани ва амалиётга татбиқ этгани юксак баҳога сазовордир.

Универсал даврий шарҳнинг олдинги босқичлари доирасида

тақдим этилган қонун ижодкорлиги билан боғлиқ тақлифларимиз ҳам Ўзбекистоннинг янгиланаётган Конституциясида ўз аксини топади, деб умид қиламан.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Универсал даврий шарҳ — БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг механизми. Ушбу механизм доирасида бир йилда тўрт мартаба БМТга аъзо 193 та давлат томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятлари ва вазифалари қандай бажарилаётгани мунтазам равишда шарҳлаб борилади.



Универсал даврий шарҳ ҳар бир давлатга инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазиятни яхшилаш мақсадида амалга оширадиган саъй-ҳаракатлари ҳақида маълум қилиши, шунингдек, айна соҳадаги ўз мажбуриятларини бажариши учун имконият яратаяди.



кечаётгани жорий ислохотларнинг аҳамиятини янада оширади.

Президентингиз танлаган йўл мамлакатни тараққиёт, демократия ва ҳуқуқ устуворлиги сари дадил бошлаб бораётганини яққол кўриб турибман. Бу йўл, ўз навбатида, Ўзбекистон жаҳон майдонидида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишини таъминлашига ишонаман.

Ўзбекистонда 2021 йили бўлиб ўтган Президент сайловида швейцариялик кузатувчилар миссияси раҳбари сифатида иш-



МУНОСАБАТ

ИЛМГА АСОСЛАНГАН УРУҒЧИЛИК ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР катта даромад манбаи

**Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
инновацион ривожланиш
вазир, академик**

Бошланиши 1-бетда

Халқаро амалиётдан маълумки, ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитини чуқур ўрганган ҳолда, илм-фаннинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиб, экин турларини маҳаллийлаштириш, ўринли жойлаштириш, замонавий агротехнологияларни кенг татбиқ этиш юқори натижадорликка эришишнинг ягона йўли саналади.

Президентимиз раислигида жорий йил 28 июнь куни илмга асосланган уруғчилик ва агротехнологиялар ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда пахта чукун қайта ишлаш асосида тўқимачилик маҳсулотлари экспортини кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу масала алоҳида таъкидлангани бежиз эмас.

Маълумотларга кўра, пахта етиштиришдан олинadиган глобал бизнес даромади йилига 500 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Президентимиз айтганидек, тўқимачилик бизга кам харажат билан катта даромад олиш имконини беради. Ундан ўринли фойдаланишимиз учун уруғчилик ва экин етиштириш жараёнида илмга таянишимиз, замонавий биотехнологияларни жорий қилишимиз керак.

Дунё бўйича пахта етиштирилаётган майдонларнинг 95 фоиздан ортиғида ўрта толали ғўза тури экилади. Аммо энгил саноатдаги технологик ўзгаришлар тола сифатига янгидан-янги талаблар қўяётганини ҳисобга олсак, илмий асосланган ҳолда соҳани ривожлантиришнинг аҳамияти нечоғлиқ юқори эканини англаш қийин эмас.

Охириги йилларда иқлим ўзгариши, айниқса, кун ва тундаги ҳарорат ўртасидаги тафовут йўқолиб бораётгани ҳисобига пахтачиликда ҳосилдорлик тушиб кетган. Орол денгизи билан боғлиқ муаммолар кузатилмаган вақтларда, тоғларда музликлар қўл пайтларда кундузи ҳаво қанчалик иссиқ ҳам кечаси салқин бўлган. Пахта гули юқори ҳароратга чидамсиз. Аномал иссиқ, кечқурун ҳавонинг совимаслиги сабаб, гул етила олмайди, яъни қўсакка айланмайди. Туркия, Греция каби давлатларда мана шу тунги ҳарорат қўтилган даражада бўлади. Шунинг учун юқори ҳосил олинади. Ҳозир кузатилаётган об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, биз ўлкамиз иқлим шароитларига жавоб бера оладиган нави яратишимиз, амалиётга жорий этишимиз зарур.

Олимларимиз томонидан 100 центнергача ҳосил берадиган пахта навлари (Бухоро, Равнақ, Порлоқ, Султон) яратилиб, екилмоқда. Аммо бу амалиёт кенг татбиқ қилинмаган эди. Шу боис, кластерларнинг сифатли уруғ билан



“

МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, ПАХТА ЕТИШТИРИШДАН ОЛИНАДИГАН ГЛОБАЛ БИЗНЕС ДАРОМАДИ ЙИЛИГА 500 МИЛЛИАРД АҚШ ДОЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ АЙТГАНИДЕК, Тўқимачилик бизга кам харажат билан катта даромад олиш имконини беради. Ундан ўринли фойдаланишимиз учун уруғчилик ва экин етиштириш жараёнида илмга таянишимиз, замонавий биотехнологияларни жорий қилишимиз керак.

таъминлиши борасида камчиликлар кўзга ташлана бошлади. Давлатимиз раҳбари мана шу тизим пухта йўлга қўйилиши, фермерларимизга илмий тавсиялар бериш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Дехқон ва фермерларимизда чет элдан олиб келинган уруғ яхши, деган тушунча бор. Бир жиҳатдан эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак: дунё пахтачилигида Ўзбекистон энг шимолли ҳудуддир. Яъни пахта навларини четдан олиб келиб, тўғридан-тўғри далаларимизга етказишимиз билан қўтилган ҳосилни ололмаймиз. Бунинг сабаби шундаки, чет элдан олиб келинган пахта уруғи 220-270 кунда ҳосилга қиради. Аммо бизнинг об-ҳавоимиз шароитида бу муддат жуда узоқ. Соҳадаги олимларимиз изланиб, мана шу даврни 120 кунга қисқартирган. Агар фермер ўз даласига импорт ҳисобига келтирилган нави тўғридан-тўғри экса, одатдаги каби сентябрь ойида ҳосил ололмайди. Уруғчилик илмидан хабардор бўлмаса, бу экинга умуман ҳосил бермайдиган тур, деган ҳулосани бериши ҳам мумкин. Ўлкамиз иқлим шароитида ҳосил муддати кечиккани сари тола сифати тушиб, массаси йўқолиб бораверади.

Нима учун пахта чукун қайта ишлаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиляпти, деган савол туғилиши табиий. Ўзбекистон узоқ йиллар давомида тола экспорт қилган. Бу тайёр маҳсулотдан кўра анчайин паст иқтисодий самара берган. Дунё

амалиётида ҳосилдорлик тола миқдори билан ўлчанади. Туркия гектаридан бир ярим минг килограмм тола олса, бизда 800 килограмм, яъни 100 килограмм пахтадан 33 килограмм тола ажрати олинади. Демак, мана шу кўрсаткични ўзгартириш учун ҳам бизга тола сифати юқори бўлган, иқлимимизга мос навлар керак. Соҳага янгила илмий ёндашувлар зарур. Туркиядан ўзлаштиришимиз зарур бўлган технология ҳам шу — чигитнинг массаси кам, толаники юқори бўлишига эришишимиз керак.

Пахтачиликда етакчи давлатларда мана шу амалиёт йўлга қўйилган. Ўзбек пахтасига талаб ҳаммаша юқори бўлган. Чунки юртимизда етиштирилган пахтада тола узунлиги 33-34 миллиметр бўлиб, соҳада етакчи давлатларда бу кўрсаткич 25 миллиметрни ташкил қилади. Сифатли хомашё саналгани учун ҳам кўплаб давлатлар Ўзбекистондан тайёр маҳсулот эмас, тола сотиб олишга уринган. Президентимиз ташаббуси билан тармоқда кластер тизими жорий қилиниб, пахта чукун қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу мавжуд имкониятларимиздан ўринли ва самарали фойдаланишимиз учун ташланган муҳим қадам эди. Йиғилишда

белгиланган вазифалар мана шу каби улкан ишларнинг мантиқий давомийлигини таъминлаши билан аҳамиятлидир.

Ер сифатини яхшилашда замонавий лабораторияларнинг аҳамияти катта. Биз анча йиллардан буён ўғитни тўғри ишлата олмадик. Соёқ тузум даврида ерга нотўғри ишлов берилгани учун ҳам ҳосилдорлик тушиб кетган. Замонавий лабораторияда тупроқни таҳлил қилиб, мана шу муаммоларга барҳам беришга ҳаракат қилиялми. Бу, албатта, ўзига яраша вақт талаб қилади. Йиғилишда йил якунига қадар ҳар бир кластерда уруғчилик, тупроқ таҳлили ва биологаториялар ҳамда уруғ тайёрлаш цехлари ишга туширилиши таъкидланди. Шунингдек, ҳар бир кластер йил якунига қадар тупроқ унумдорлигини таҳлил қилиб, ер майдонлари паспортини ишлаб чиқиши ва ҳосилдорлиқни ошириш чораларини белгилаб олиши кераклиги айтилди. Экин учун мўлжалланган ер паспортини ишлаб чиқиш орақлигига қайси ўғитни қанча миқдорда бериш заруратини аниқлаш мумкин. Кимёвий элементларга бой ерга яна ўғит берсак, у заҳарга айланади. Бу жиҳатдан ҳам илмий ёндашув зарур.

Йиғилишда қишлоқ ҳўжалигида зараркунданларга қарши курашиш, турли ҳашаротларга чидамли нав яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада “ақлли” қишлоқ ҳўжалиги асқатади. Табиатан шундай: битта ҳашарот 10 та тухум қўйган бўлса, уларни қириб ташласангиз, курашувчанлик қобилияти янада ошади ва тирик қолган ҳашарот энди 100 тагача тухум қўяди. Ҳашарот дориланса, кейинги йилда шу дорига иммунитет ҳосил қилади ва бу усулда курашишнинг аҳамияти қолмайди. Чет элдан катта маблаг эвазига келтирилган доридан фойдалансак, кейинги йил яна бошқа турдаги дори сотиб оламиз. Шу тариқа импорт кучайиб бораверади. Бу ортиқча маблаг сарф қилиш дегани. Илмий ёндашиб, касалликлар ва зараркунданларга чидамли нав яратиб, ортиқча харажатларнинг олдини олишимиз мумкин.

Соҳада кузатилаётган камчиликларни бартараф этиш учун вазирликлар қошида эмас, Президент ҳузурида Пахтачилик кенгаши ташкил этилиши белгиланди. Кенгашга бошчилик қилиш вазифаси зиммага катта масъулият юклайди. Энди 13 та туманни танлаб олиб, ўша ҳудудларда пахтачилик бўйича янги технологияларни татбиқ этамиз.

Ҳақиқатан, ғўзани ўғитлашни ўзгартириш, гербицид ва пестицидларни ҳам тартибга солиш вақти келди. Шунинг учун янги ташкил этилган кенгаш олдинги иқлим ва ҳарорат ўзгаришларига мос бўлган ўғитлаш режасини ишлаб чиқиш, гербицид ва пестицидлар қўллашни тартибга солиш вазифаси қўйилди. Илмий асосланган ҳолда, ҳар йили ҳосилдор ва эртапишар навларни ҳудудлар кесимида кўпайтириш ва экинни ҳар бир кластер бўйича белгилаб бериш ҳам катта мақсадларимиздан бири. Махсус гуруҳ ғўза касалликлари ва ҳашаротларга қарши курашиш бўйича самарадор препаратларни қўллаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш устида иш олиб бормоқда. Кластерларга ҳудудлар тупроқ-иқлим шароитларига мос ғўза навларини экиш ва уруғларини кўпайтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш ҳамда пахтачиликда сув ва ресурстежамкор технологияларни жорий этиш бўйича тавсиялар бериш муҳим ишларимиздан бири. Хусусий секторни жалб қилган ҳолда давлат-хусусий ҳамда хусусий уруғчилик кластерларини ташкил этиш ва бу орқали рақобат муҳитини яратиш зарур. Энди уруғчилик бўйича ихтисослашган халқаро ташкилотлар (ISTA, OECD ва бошқалар)га аъзо бўлиш ва ҳамкорлик битимларини тузишни режалаштирялми. Бу жаҳон бозорларига чиқишимиз учун янги йўлларни очади.

Ернинг табиий таркибини яхшилаш ҳам алоҳида эътибор талаб қилади. Турли микробиологик ўғитлар билан тупроққа ишлов бериш ва ўсимликларни парвариш қилишда микробиологик препаратлар ва экологик хавфсиз сти-

муляторларни минерал ўғитлар билан уйғунлаштирилган ҳолда қўллаш, тупроқнинг унумдорлиги, агрофизикавий, агрохимёвий ҳамда микробиологик хусусиятларини яхшилашни давнинг ўзи талаб қилмоқда. Республика бўйича тупроқ агрохимёвий хариталарини янгилаш, озуқа элементлари билан таъминланиш даражасига қараб, илмий асосланган тавсияларга мувофиқ, минерал ўғитни мақбул нисбатларда ва муддатларда қўллаш орқали ғўзанинг ноқулай об-ҳаво шароитларига, касалликларга қарши иммунитетини кучайтириш натижасида ҳосил ҳамда сифатни ошириш мумкин.

Кенгаш кичик инновацион уруғлик қорхоналарини ташкил этиш орқали янги навларнинг кичик партиядаги уруғликларини жамғариш, сақлаш ва қайта ишлаш, саралаш, дорилаш ҳамда қадқоқлаш, янги навлар ҳосилдорлигини давлат андозаси талабларига етказишни ҳам йўлга қўяди.

Энди ғўза селекцияси ва уруғчилиги соҳасида анъанавий ва ноанъанавий селекция ҳамда физиологик ва биокимёвий тадқиқотлар борасида илгор усулларни ўзлаштириш бўйича малака ошириш, халқаро грантлар асосида ривожланган давлатлар билан ҳамкорликда тадқиқотлар ўтказиш ташкил этилади.

Пахта толасининг узунлиги, пишклиги, бир хил тузилишида экани ва бошқа қатор хусусиятлари мато сифатига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардир. Тайёр маҳсулотни жаҳон бозорларига чиқаришда тола сифатини яхшилаш, ҳосилдорлиқни ошириш, ғўзанинг тупроқ шўрланиши ва қурқоқчиликка чидамли навларини яратишга эътибор қаратиш зарур. Олимларимиз молекуляр маркерлардан фойдаланган ҳолда, ўсимликларнинг муайян хусусиятларини экин етилгунига қадар аниқлаш имконига эга бўляпти. Бугун соҳа мутахассислари олдида ер ва сувдан унумли фойдаланиш баробарида вақтни ҳам тежашдек муҳим масала турибди. Агар ҳар бир жиҳатни эътиборга олиб, янги навларни тўғри жойлаштирсак, иқлим билан боғлиқ ўзгаришлар ва зараркунданлардан қўсқинимиз.

Президентимиз барча кластерлар суви илм билан тежаб ишлатишни шартлигини таъкидлади. Сўнгги икки йилда 169 минг гектар пахта майдонига томчилатиб сугориш тизими жорий қилинган яхши кўрсаткич. Аммо соҳа олимлари олдида яна бир муҳим вазифа турибди: юртимизда мавжуд пахта навларининг ўқ илдири жуда узун. Томчилатиб сугориш жараёнида сув ва озуқа экан илдиригача етиб бормаяпти. Демак, илдиригача илдиригача навларни яратишимиз ёки маҳаллийлаштиришимиз керак.

Тўқимачилик катта даромад келтирадиган соҳа. Чинакам даромад манбаига эга бўлиш учун эса янги технологиялар ва инновацион усуллардан ўринли фойдаланиш зарур. Зеро, ҳар бир иқтисодий соҳанинг асосий натижадорлигини белгилашда илм-фаннинг ўрни бекиёс.

ДАВРА СУҲБАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ДОЛЗАРБ ВА УСТУВОР Йўналишлари МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамкорлигида “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Ўзбекистон Республикаси

ташқи ишлар вазири в.б. Владимир Норов, Давлат бошқаруви академияси ректори Адҳам Бекмуродов, БМТнинг

Ўзбекистон Республикасидаги доимий координатори Роли Астхан иштирок этди.

Давра суҳбатига сўзга чиққан ташқи ишлар вазири в.б. Владимир Норов бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатнинг миллий манфаатларини самарали илгари суриш ва замонавий халқаро муаммоларга муносиб жавоб қайтариш имконини берувчи очиқ, изчил ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат йўлини амалга ошираётганини қайд этди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган аниқ ва узоқ муддатли мақсадларга эришилди. Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тараққиёт стратегиясининг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар, жаҳоннинг етакчи давлатлари ва халқаро инсти-



тутлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари сифат жиҳатидан янги, мисли кўрилмаган жадал босқичга кўтарилди.

Мамлакатда амалга оширилаётган тўб ўзгаришлар даврида Президентимиз 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ўз ифодасини топган ташқи сиёсатнинг янги, янада муҳим ва долзарб мақсад ва вазифаларини белгилаб берди.

Ҳозирги кунда жаҳонда рўй бераётган, геосийсий кескинлиқнинг кучайиши билан тавсифланаётган глобал ўзгаришлар Марказий Осиё давлатлари, қўшни ва бошқа минтақалар учун ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, коронавирус пандемияси ва унинг янги штаммлари сабаб давом этаётган пандемия тўсиқлари ва чекловлари халқаро ҳамкорлиқнинг барча соҳаларида, биринчи навбатда, иқтисодий ва логистика алоқаларида салбий акс этмоқда.

Давра суҳбатига ҳозирги шароитда ташқи сиёсий фаолият жүргўзғанини янада кенгайтириш, хорийги шериклар, энг аввало, қўшни давлатлар билан турли даражада ва устувор йўналишлардаги ҳамкорлиқни фаоллаштириш, минтақа ва жаҳонда рўй бераётган ўзгаришларни тизимли мониторинг қилиш, юзага келаятган таҳдидларга ўз вақтида ва ҳар томонлама жавоб бериш зарурлиги қайд этилди.

Давра суҳбати иштирокчилари янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг долзарб ва устувор йўналишлари ҳамда замонавий хавф ва таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва ютуқларни атрофлича муҳокама қилди.

Шунингдек, ташқи сиёсатда янги Ўзбекистоннинг ижобий халқаро имижини илгари суриш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги етакчи ўрни ва нуфузли халқаро рейтинглардаги юксак мавқеини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ва ташаббуслар қўриб қилинди.

Вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот ва эксперт-таҳлилий муассасалари вакилларининг ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг турли йўналишларига бағишланган маърузалари тингланди.

Тадбир якунлари бўйича маърузачиларнинг тегишли тавсия ва тақлифларини ўз ичига олган махсус тўплам нашр этиш режалаштирилган.

**Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

НУҚТАИ НАЗАР

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ

дунё аҳолиси таркибий ўзгаришларни бошдан кечирмоқда



Мамаюнус ПАРДАЕВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори,
иқтисод фанлари доктори

Бугун жаҳоннинг турли ҳудудларида мураккаб жараёнлар кечмоқда. Ушбу умумбашарий муаммолар глобаллашув палласида дунё аҳолисининг таркибий тузилиши ва ўзгариши билан ҳам боғлиқ. Шу туфайли Ер юзи аҳолисининг таркибий тузилиши ва унинг мамлакатимиз аҳолиси билан қиёсий таҳлилини қилиш бугун ўта долзарбдир. Президентимизнинг шу йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида бу борадаги аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Дунё аҳолиси ва унинг ўзгариш тенденцияларини олимлар тизимли равишда кам тадқиқ қилган. Буларни инобатга олиб, интернет ва жаҳон статистикаси маълумотларидан фойдаланган ҳолда, мазкур жиҳатлар бир қанча йўналишларда, хусусан, жаҳон аҳолисининг иқтисодийёт соҳаларидаги бандлиги, қиъғалар бўйича тақсимланиши, яшаш шароити, овқатланиши, тоза ичимлик сув истеъмол қилиш даражаси ва бошқалар таҳлил қилинган. Чунки ушбу маълумотлар мамлакатимиз аҳолисининг жаҳондаги ўрни қандайлигига баҳо бериш учун асос бўлади.

Жумладан, бугун жаҳонда аҳоли сони ўсмокда. БМТнинг сайёра аҳолиси сони бўйича берган маълумотиغا қараганда, 2022 йил бошида дунё аҳолиси 7,8 миллиард кишини ташкил қилган. Сайёраимиз аҳолиси ҳар йили 82 миллион кишига ёки 1,05 фоиз кўпаймокда. Ўзбекистонда эса илмлик ўртача ўсиш 1,7 фоизни ташкил қилмокда. Кўриниб турибдики, мамлакатимиз аҳолисининг ўсиш суръати анча юқори. Ҳар соғияда ўртача 2,6 бола дунёга келмокда. 2050 йил охирига бориб, жаҳонда аҳоли сони 9,7 миллиард кишига етади, яъни 124,4 фоиз кўпаяди. Ўзбекистон аҳолиси эса 41 миллионга етади ва ўсиш суръати 128,1 фоизни ташкил қилади. Бу ҳақда БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Аҳоли ва тараққиёт комиссиясининг 52-сессиясида маълум қилинди. Хусусан, дунё аҳолиси сони жорий аср охирида 11 миллиард кишигача етиши, мамлакатимиз аҳолиси эса камайиб, 38,1 миллион кишини ташкил этиши прогноз қилинмокда. Аҳолининг камайишига Ўзбекистонда ҳар бир аёлга тўғри келадиган тўғилиш сони тобора пасайиб бориши сабаб бўлади. Жумладан, 1990–1995 йилларда бир аёлга 3,95 нафар бола тўғри келган бўлса, 2010–2015 йилларда бу кўрсаткич 2,38 нафарни ташкил этган. Бугунги кунда эса бир аёлга 2,24 нафар чақалоқ тўғри келмокда. Тўғиш коэффициенти тобора пасайиб, аср охирида 1,79 нафаргача камайиши таҳмин қилинмокда.

Жаҳон миқёсида глобаллашув жараёни давом этмокда ва бу йилдан-йилга кенгая боради. Айни пайтда жаҳон миқёсида аҳолининг қариш кўрсаткичи ошиши тўғиш даражаси пасайиши ҳамда жадал урбанизация билан бирга кечмокда. БМТ маълумотларига кўра, дунёда ўртача тўғиш даражаси бир аёлга 2,5 болани кўрсатган бўлса, 2030 йилда 2,4 болани ташкил қилади. 65 ёш ва ундан катта одамлар улуши умумий аҳоли сонидан ошиб бормоқда. Ҳозир Европада уларнинг улуши умумий аҳоли сонининг 19 фоизини, Шимолӣ Америкада эса 16 фоизни ташкил қилмокда. 2050 йилга бориб, бу кўрсаткич мос равишда 28 ва 23 фоизгача ўсади.

Келгусида Ўзбекистонда ҳам қариш кўрсаткичи ошиб боради. 2022 йил 1 январь ҳолатига аҳолининг ўртача умр кўлиши 73,8 ёшни ташкил қилмокда. Бу эса 1990 йилги кўрсаткичдан кўндир. Аср сўнгигача ўртача умр 82 йилга тенг бўлиши кўтилмокда. Шунингдек, Ўзбекистонда болалар ўлими тобора камайётганини кузатиш мумкин. Жумладан, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими коэффициенти ҳар минг нафарга 32,5 нафарни ташкил қилмокда. 1990 йилда бу кўрсаткич 74,2 нафар бўлган.

Яна бир муҳим тенденция. Иқтисодиёт соҳаларига инновацион омилларни жалб қилиш натижасида дунё аҳолисининг соҳалар бўйича бандлиги ҳам шаклланиб, йилдан-йилга ижобий ўзгариш тенденциясига эга бўлмокда. Тадқиқотлар кўрсатмокдаки, дунё аҳолисининг 26,3 фоизи ёшлардан иборат. Мамлакатимизда эса бу кўрсаткич қарийб 60 фоизни ташкил қилади. Дунё миқёсида хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сони энг юқори бўлиб, 2022 йил бошида 23,5 фоизга етган. Мамлакатимизда бу кўрсаткич 35 фоизга тенг. Иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг ривожланиши ва тақомиллашуви натижасида аста-секинлик билан мазкур соҳанинг улуши янада ўсиб бориши мумкин. Чунки алоҳида

бандлик бўйича иккинчи ўринда қишлоқ хўжалиги бўлиб, унинг улуши шу йил 19,4 фоизни ташкил қилади. Бу соҳа Ўзбекистонда ҳам иккинчи ўринда бўлиб, бандликдаги ҳиссаси 32,3 фоиздир.

Жаҳонда аҳолининг озиқ-овқат билан таъминланиши, айрим саноат корхоналарининг фаолияти ҳам бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқ. Бунинг натижасида ушбу соҳа билан банд ходимлар сони сақланиб қолади. Бироқ мазкур йўналишга инновацион технологияларни жалб қилиш натижасида камроқ иш қучи билан ҳозирги ҳажмдан ҳам кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етказиб бериш мумкин.

Бугун дунё миқёсида ишсизлар сони 6 фоизни ташкил қилаётган бўлса, мамлакатимизда меҳнатга қобилиятли аҳолига нисбатан 7,5 ва умумий аҳолига нисбатан эса 3,2 фоизга тенг. Ушбу даража узоқ йиллардан буён сақланиб келмокда. Аммо охириги пайтларда камайиш тенденцияси кузатилмокда. Дунё аҳолисининг бандлигини таъминлайдиган қатлам, асосан, тадбиркорлар бўлиши лозим. Аммо ҳозирги кунда уларнинг улуши барча банд аҳоли таркибида атиги 5,5 фоизни ташкил этади. Бизнинг юртимизда 8,8 фоизга тенг. Жамият ривожланиши билан мутаносиб тарзда ушбу кўрсаткич ҳам ошиб бориши керак.

Ҳозир глобал миқёсда шаҳарларда яшовчи аҳоли кўпайиб бормоқда. Йигирманчи асрда аҳолининг асосий қисми тарихан қишлоқларда яшаган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг улуши бирмунча камайди. Бугун шаҳар аҳолиси 51, қишлоқ аҳолиси эса 49 фоизни ташкил қилмокда. Ривожланган мамлакатларда шаҳар аҳолисининг улуши катта. БМТнинг ҳисоботи-га кўра, келгусида аҳоли ўсиши шаҳар аҳолиси сони ошиши ҳисобига юз беради. 2030 йилда шаҳарлар аҳолиси умумий аҳолининг 60 фоизини, 2050 йилда 68 фоизини ташкил қилади. Бу кўрсаткич мамлакатимизда ҳам худди шундай ҳолатда ўсиб бориши кўзда тутилган.

Жаҳон миқёсидаги глобал муаммолардан бири аҳолининг овқатланиш даражаси билан боғлиқ. БМТ Бош котибининг биринчи ўринбосари Амина Муҳаммаднинг маълум қилишича, охириги 25 йилда ўта ночор шароитда яшовчи одамлар сони анча қисқарган. Оналар ўлими 40 фоиз камайган, одамларнинг умр кўриши давомийлиги анча ошган. Дунё аҳолисининг 21 фоизи кўп овқат ейдиганлар тоифасига кириб, бу 1,6 миллиард кишини ташкил қилади. Шунингдек, аҳолининг 63 фоизи (4,9 миллиард) қанча хоҳласса, шунча ейиш имкониятига эга қатламдир. Бироқ ночор аҳоли қатлами барча муаммолар билан биргаликда тўйиб овқатланиш имкониятига ҳам тўлиқ эга эмас. Бундай шароитда айрим мамлакатларда кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари исроф бўлмокда. Жаҳон миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун унинг истеъмолини меъёрлаштиришга, тежамдорликка амал қилишга кирилиши ва бу масалага катта аҳамият бериш лозим.

Дунё аҳолисининг 48 фоизи ёки 3,7 миллиарди озиқ-овқатдан қийналмаса-да, камбағаллик даражасида яшайди. Агар халқро меъёрлар асосида қарайдиган бўлсак, 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, дунё аҳолисининг бир суткада истеъмол даражаси бўйича иқтисодий ҳолати буни яққол кўрсатиб турибди. Яъни бир суткада яшаш даражаси 2 АҚШ долларидан кам бўлган камбағаллик чегарасидаги аҳолининг сони 3,7 миллиард кишини ташкил қилади.

Айни пайтда экологик муаммолар кундан-кунга кўпаймокда. Булардан бири ичимлик сув танқислиги билан боғлиқ. Жаҳонда тоза ичимлик сувга эга аҳоли сони 6,8 миллиард кишини ёки 87 фоизни ташкил қилади. Бу юртимизда 73 фоизга тенг. Кўриниб турибдики, 1 миллиард кишининг тоза ичимлик сув истеъмол қилиш имконияти чекланган. Бундан анланадикки, тоза ичимлик сув масаласи энг катта ва мураккаб муаммолардан биридир.

Дунёда аҳолининг фаровонлигини таъминлаш билан боғлиқ айрим масалалар ҳамон сақланиб қолмокда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, аҳоли ўсишининг жадал давом этаётгани сабабларидан бири исталмаган ҳомиладорлик ҳолати кўпилидир. Чунки кўплаб ҳудудларда, айниқса, “учинчи дунё” давлатларида аёллар ва қизлар эрки ўзида эмас. Таъкидланишича, Ер юзидagi ҳар бешинчи ҳомиладорликдан иккитаси исталмаган ҳисобланади. Маълумотларга кўра, бу борада оғир вазият Африканинг Сахрои Кабирдан жанубдаги ҳудудда юзага келган. Бу ерда охириги йилларда тугуруқ даражаси камайганига қарамай, ҳамон бир аёлга ўртача 4,4 бола тўғри келади. Ваҳоланки, жаҳон бўйича бу кўрсаткич 2,4 болани ташкил қилади. БМТ маълумотларига кўра, бунинг натижасида ушбу минтақа аҳолиси сони 2050 йилга бориб, ҳозирги 1,3 миллиард кишидан 2,5 миллиард кишига етади. Бундай кескин ва асоссиз кўпайишлар бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Жумладан, дунё аҳолисининг бир қисми ҳамон ўз бошпанасига эга эмас. Ўз уйида яшайдиган аҳоли сони 6 миллиард кишини ёки аҳолининг 77 фоизини ташкил қилади, ўз уйига эга бўлмаган аҳоли сони 1,8 миллиард кишига ёки дунё аҳолисининг 23 фоизига тенг. Бу борада мамлакатимиз дунёга андоза бўладиган даражада. Деярли барча аҳоли ўзининг уйига, ишончли бошпанасига эга.

Даврлар ўтиши, замонлар алмашиши натижасида дунё, коинот, табиат, инсоният ва бутун башарият доимий ўзгаришда, янгиланишда давом этиб келмокда. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида ҳар куни қандайдир янгилликлар юзага келмокда, жаҳоннинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида жадал ривожланиш босқичи рўй бермокда. Шу билан бирга, интеграция ва глобаллашув жараёни ҳам ўзининг ижобий ва салбий омиллари билан тезлашиб бормоқда. Бундай шароитда ҳар бир мамлакат дунё майдонида ўзининг эзгу мақсадларига еришмоқ учун муттасил олдинга интилиши, ҳаётни ва тафаккурни ислоҳ қилиши, янгиланиш, яратувчанлик руҳи билан яшаши одатланиши лозим. Айнан янги Ўзбекистонни барпо қилиш, учинчи Ўйғониш даврига кириш жаҳон миқёсида оламшумул ютуқларни қўлга кириштириш тақозо қилади. Бу борада мамлакатимизда улкан вазифаларни бажариш устида қизгин ишлар амалга оширилмокда.



ТАЪЛИМ

ҒАЛВИРНИ СУВДАН КЎТАРИШ ФУРСАТИ

“МИСиС”нинг илк “қалдирғочлари” парвозга шайланмокда

Фарҳодбек УМАРОВ,
МТТУ “МИСиС” ОФ директори,
техника фанлари доктори, профессор

2018 йил октябрь ойида Россиянинг федерал давлат автоном олий таълим муассасаси — “Миллий технологик тадқиқотлар университети “МИСиС”нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали илк талабалар учун ўз эшикларини очган эди. Тўрт йил кўз очиб юмгунча ўтиб кетди ва шу кунларда олийгоҳнинг илк бакалаврлари катта ҳаёт сари қадам қўймоқда.

2018 йил 11 май куни давлатимиз раҳбари “Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси “Миллий технологик тадқиқотлар университети “МИСиС”нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Уша йилнинг 18 октябрь куни тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Муассасамиз университетнинг олтинчи ва хориждаги иккинчи филиалига айланди.

Олийгоҳ дунёнинг 500 та энг яхши университети рўйхатида

МТТУ “МИСиС” янги материаллар ва технологияларни яратиш, жорий этиш ва қўллаш соҳасида Россиянинг етакчи илмий ва таълим маркази. У дунёнинг 500 та энг яхши университети қаторига ки-ради ва 22 та йўналиш бўйича фан ҳамда тармоқ халқаро рейтингда етакчи ўринларни эгаллаб, муҳандислик-кончилик йўналиши бўйича энг яхши 50 таликка, инжиниринг-металлургия йўналиши бўйича 75 таликка, материалшунослик соҳасида дунёдаги 151+ энг яхши университет



гуруҳига кириб, Россияда биринчи ўринда туради.

Университет фаолиятининг асосий йўналиши юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, илмий тадқиқот ишлари, таълим стандартларига мувофиқ ўқув дастурларини тақомиллаштириш, ўқув-услубий қўлланмалар ва дарсқилар яратиш, мамлакатимиз кон-металлургия саноатини ривожлантириш муаммоларига бағишланган илмий-амалий ва назарий конференциялар, семинарлар, учрашувлар ўтказиш, соҳадagi мавжуд мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишдан иборат.

Филиалимиздаги кон-металлургия факультети бакалавриатида “Металлургия” ҳамда “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш” йўналишлари бўйича 4 йил, “Тоғ-кон саноати” мутахассислиги бўйича 5,6 йил ўқитилади. Дастлаб таълим фақат кундузги бўлимда олиб борилган бўлса, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб сиртки таълим ҳам жорий этилди.

Университетимизда ўқув жараёнини самарали ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Кончилик, металлургия, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, математика ва табиий фанлар ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар каби бешта кафедра фаолият юритмокда.

Бир йил аввал филиалимиз негизида МТТУ “МИСиС” ва РТ-Инжиниринг холдинги (“Ростех” шўбага корхонаси), “Гипроцветмет” ҳамда ВЮГЕМ лойиҳа институтлари қўшма лойиҳаси бўйича Илмий-таълим ва лойиҳа маркази очилди. Унинг асосий мақсади мамлакатимизнинг етакчи кон саноати корхоналари учун тоғ-кон саноати жараёнларини рақамлаштириш соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлашдан иборат.

Ушбу марказ базасида талабаларга ВЮГЕМ институти томонидан ишлаб чиқилган ва ҳозир Россияда кенг қўлланиладиган “Геомикс” кон-геологик ахборот тизимини ўргатиш учун синф жиҳозланган. Ушбу ахборот тизими тоғ-кон саноатини автоматлаштириш ва рақамлаштириш, шунингдек, кенг қўламли вазифаларни — портлашни

Таълим амалиёт билан уйғун ҳолда олиб борилмокда

Тўрт йил аввал МТТУ “МИСиС”га мамлакатимизнинг етакчи университетларидан тажрибали ва малакали ўқитувчилар тақлиф этилган эди. Бугунги кунда ўқув юртимиздаги 66 нафар профессор-ўқитувчининг филиалимизнинг “олтин фонди” дейиш мумкин. Уларнинг 67 фоиздан ортиғи фан доктори ва фан номзоди илмий даражаларига эга. Бундан ташқари, ҳар йили бош университет профессор-ўқитувчилари қатор махсус фанларни ўқитишга жалб этилмокда.

Филиал профессор-ўқитувчилари илмий тадқиқот натижаларини турли илмий нашрларда мунтазам чоп этиб келяпти. 2021



Моддий-техник база — малакали кадрлар тайёрлашда бош омил

Президентимиз қарори имзоланганидан беш ой ўтиб, филиал очилди. Шу вақт ичида “Олмалиқ КМК” АЖ томонидан мавжуд маъмурий ва ўқув бинолари, ётоқхона, ахборот-ресурс маркази жойлашган бино капитал таъмирланди, реконструкция қилинди, университет атрофи ободонлаштирилди.

Комбинат томонидан ўқув-услубий ва илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун барча шароит яратилган. Замонавий лаборатория, компьютер, лингвфон хоналари, мультимедиа ускуналари билан жиҳозланган маъруза заллари, талабалар учун зарур ахборотларга эга маълумот киосклар, мажлислар зали, турли онлайн тадбирлар ўтказиш ва иштирок этиш имкониятига эга конференция зали, 19 минг нусхадан ортиқ китоб фондиди ўз ичига

йилда 80 дан ортиқ илмий мақола эълон қилинди. Уларнинг 23 таси Scopus ва Web of Science маълумотлар базаларига киритилган журналларда, 31 таси хорижий илмий журнал ва халқаро илмий анжуманлар тўғрисида, 27 таси республика илмий журналлари ва конференция тўғрисидада чоп этилди. Филиалимиз шу кунга қадар кон-металлургия соҳасининг энг долзарб муаммоларига бағишланган иккита халқаро илмий-амалий анжуман ташкил этди ва уларда дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатидан етакчи олимлар қатнашди.

Филиал ташкил этилганидан буён “Олмалиқ КМК” АЖ, “Ўзметкомбинат” АЖ ва Инновацион ривожланиш вазирлиги каби буюртмачилар учун илмий тадқиқот ишлари олиб борилмокда. Жумладан, комбинат билан очиқ усулда қазиб олишда шаклланган зарядламлар фойдаланган ҳолда, тоғ жинсларини майдалаш жараёнини фаоллаштириш, “Ўзметкомбинат” АЖ билан натрий силикати олишнинг автоклавсиз технологиясини ишлаб чиқиш мавзусларида ҳужалик шартномалари тузилди.

Университетимиз филиали Қалмоққир кони учун рудаларни меъёрлаш ва ҳисобга олиш методологиясини ҳамда қўроғош-висмут лойидан қўроғош ва қимматбаҳо металлари ажратиб олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича ҳужалик шартномалари тузиш арасида. Шунингдек, хром-молибденли пўлатдан ясалган деталларнинг қотиб қолган сирт қатламининг оптимал хоссаларини танлаш, таркибиде рух бўлган чангни қайта ишлаш технологиясини ҳамда алгоритм ва дастурий маҳсулотини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш бўйича “Ўзметкомбинат” АЖ билан музокара-рал олиб борилмокда.

Талабаларимиз МТТУ “МИСиС” Оф илмий лабораторияларида олиб борган тадқиқотлари натижалари бўйича ўз маълумотларини тақдим этиб, анъанавий “МТТУ “МИСиС” фан кунлари”да фаол иштирок этди. Ўтган йили 30 нафар, бу йил эса 36 нафар талабамиз ушбу форумда ўзларининг илгор тажрибалари билан қатнашди.

2019 йил декабрь ойида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси қарорига мувофиқ, Ўзбекистон тарихида илк бор МТТУ “МИСиС” қошида техника фанлари доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи халқаро илмий кенгаш ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Халқаро илмий кенгаш таъбирича муҳандислик ва тоғ-кон саноатининг 12 нафар етакчи олим ва амалиётчиси киритилди, улардан 5 нафари хорижий мутахассисдир. Улар фойдала қазилмаларни ўзлаштириш ва фойдаланиш, бирламчи қайта ишлаш, шунингдек, тоғ-кон технологиялари соҳасида илмий изланишлар олиб бориш билан боғлиқ дунёдаги энг йирик лойиҳаларни бошқараётган етакчи олимлардир.

Жорий йилда филиалимизнинг металлургия йўналиши бўйича 53 нафар, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш йўналиши бўйича 22 нафар талаба тамомлайди. 30 га яқин бакалавр магистратурада ўқишни давом эттиришни ният қилаяти, кўпчилик МТТУ “МИСиС”га ҳужжат топширишга тайёрланмокда. Қолган битирувчилар “Олмалиқ КМК”, “Ўзметкомбинат”, “Ўзқилламчиранилметалл”, “Навоий КМК” акциядорлик жамиятларига, “Ташкент металлургия комбинати” МЧЖга, “Энтер инжиниринг” корхонасига ишга жойлаштирилади. Битирув маросимида уларга мазкур корхоналар вакиллари томонидан йўлланма берилди.

Шундай қилиб, талабаларимиз учун яқиний имтиҳонлар ўтди, олдинда бахтли воқеаларга бой ҳаёт. Мақсадлари рўёбга чиқиши учун талабаларимизга ғайрат ва шижоат тилаймиз.





ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШ

Ҳаётимиз ҳамиша ҳам биз ўйлагандек, ишларимиз режалаштирганимиздек бўлавермаслиги боис, баъзан тасодифлар турмуш тарзимизни ўзгартириб юборади. Бўлмаса, ихтисослаштирилган лицейда физика ва математика, олийгоҳда немис тили филологияси бўйича таҳсил олган фарғоналик Нигора Охунова айни пайтда Германияда болалар стоматологи бўлиб ишлармиди?

ЎЗИМ ҲАР ЖОЙДАМАН, КҮНГЛИМ СЕНДАДИР...

Ватан соғинчи қийнаганда...

Фарғонада таҳсил олаётган пайтларингиз бошқа давлатда, яна бутунлай бошқа соҳада ишлашни ҳеч ўйлаган-мидингиз, деган саволимга жавобан Нигора "Германияда ўқиш ниятим бўлган, аммо касбимни бутунлай ўзгартириш ҳаёлимга ҳам келмаган. Тиббиёт соҳасига ҳам қизиқишим бўлгани сабабли, Мюнхендаги Людвиг-Максимилиан университети тиббиёт факультетининг стоматология йўналишида ўқидим. Беш йилдирки, хусусий болалар стоматология поликлиникасида ишлаб келяпман", деб жавоб берди.

Тугилиб ўсган жойидан олисга кетиб ишлаш, яшаш осон эмас. Зеро, юрт соғинчи ўртаган пайт кўнгилга далда беришининг ўзи бўлмайди. Фарғонадан бошқа жойни кўрмаган ёшгина қиз учун ҳам оиладан бирдангина узоклашиб кетиш жуда оғир кечган. Соғинч қийнаганда, онасининг ўзбекқойимларга хос насихатлари битилган дил дафтари йиғлаб ўқиганда ҳам лоақаи бир ҳам-юртини учратиб қолиб, у билан дилдан гаплашишни орзу қиларди.

Улар қадриятларимизга ҳавас қилади

Ақсариятимиз германияликларнинг вақтни қадрлашгани, ўзаро муносабатлардаги ибратли жиҳатларини ҳурмат қиламиз. Шундай кезларда улар ҳам бизнинг қайсидир жиҳатларимизга ҳавас қилармикан, деб ўйланиб қоламиз.

Нигоранинг айтишича, улар халқимизга хос оилавий қадриятлар, хусусан, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, қариндош-уруғчиликдаги самимийлик, ўта яқинлик, катталарга ҳурмат-эътиборимизни кўп эътироф этади.

— Шунингдек, бутун инсониятга ибрат бўларли қадриятларимиздан гуруланиб кетаман, — дейди ватандошимиз. — Бунга боғлиқ кўп воқеалар бўлган. Масалан, бу ерда нонни, озиқ-овқатни азиз, улугъ неъмат деб қадрлаш биздагидек даражада эмас. Бир куни курсдошим билан сайрга чиқдик. Шаҳар ахли қандайдир байрамни нишонлаётган эди. Йўлимизда бутун бир нон ётганини қуриб, қўлимга олдим. Курсдошим орийат қилдимки, қўлимга туртиб, "Нима қиляпсан? Ташла, олма бу нонни", деди. Мен эса унга нон увол бўлишини, бу азиз неъматни қанчалар қадрлашимизни тушунтиришга ҳаракат қилдим. У эса бу гигиенага тўғри келмаслигини, қолаверса, қайси бирини йиғиб улгуришимни айтиб, нарироқда ётган нон бўлакларини кўрсатди. Қўлимдаги нонни бир четга олиб бориб қўйдим. Ва афсуски, ўзим ҳам уларнинг қайси бирини йиғиб улгурман, деган фикрга келдим...

Фарзандларимизга кўзгу бўлайлик

Нигора — болалар стоматологи. Табиийки, иш фаолияти давомида немис болалари билан кўп муомалада бўлади. Шу маънода, уларнинг ўзбек болаларидан фарқли жиҳатлари билан қизиқдик.

— Ақсарият ўзбек болалари ўз фикрини очик ва эркин айтишга ботинолмайди, нимадандир ийманади, жўрват қилмайди, — дейди Нигора. — Айниқса, шифокор ҳузурда. Улар ўз ҳиссиётларини айтиш у ёқда турсин, қўқувдан саволларимга ҳам жавоб беролмай қолади баъзан.

Қабулимга келган германиялик болалар билан суҳбатлашиб шунга амин бўлдимки, улар ўзларига жиддий эътибор ва муомалада бўлишни истади. Биласиз, биз, ўзбекларда болага ҳали кўп нарсани тушунамайди, деган қараш ва шунга яраша унинг тилидан сўзлаш одати бор. Немис болаларига шундай

муносабатда бўлсангиз, ота-онаси ҳам норозилик кўрсатади, яъни фарзанди билан катталардек гаплашишни талаб қилади. Табиийки, бундай шароитда немис болалари ўзларини анча эркин тутайди, мустақил фикрлашга ҳам эрта киришади.

Шу маънода, айрим ҳолатларда фарзандларимизни ортиқча эркалашимиз, вояга етиб қолса ҳам мустақил бўлишга йўл бергимиз келмаслиги панд беради, деб ўйлайман. Миллийлик руҳида тарбиялаш масаласига келсак, фикримча, аввало, бу бора-



да биз, катталар хоҳ оила даврасида, хоҳ дўстлар билан учрашганда ибрат кўрсатишимиз керак. Айниқса, оиладагилар бир-биримизга миллий қадриятларимиздан келиб чиқиб муомала қилсак, қўни-қўшиндан, муҳтожлардан ёрдамимизни аямасак, шунинг ўзи фарзандларимиз учун энг тиниқ кўзгу...

Нигора миллийликни фақат дўппи ва атлас қўйлагу чопонда деб билмайди. Унинг учун булар миллийликка ҳусну жозиба берувчи безаклар. Унинг наздида миллийликка садорат сўзлаётган сўзимизда, згуликка эътиборимизда, воқеаларга билдираётган фикр-мулоҳазамизда ва албатта, юриш-туриш, ўзимизни жамоат ичиди қандай тутишимизда кўпроқ акс этади.

Ўзбекистонликлар таянчи

Ўтган йили Президентимиз ташаббуси билан "Ватандошлар" жамоат фонднинг ташкил этилгани ҳақида чет элдаги кўплаб ватандошларимиз фоят ижобий фикр билдирди.

Улар қаторида Нигора ҳам фонднинг ташкил этилишини хорижда юрган ўзбекистонликлар учун яхши бир имконият деб ҳисоблайди. Зеро, у ўз касби орқали муваффақият қозонишга доир режалари (хоҳ у ҳужжат ишлари бўлсин, хоҳ ташкилий учрашувлар бўлсин) қандайдир тўсиқ сабабли амалга ошмай қолишидан хавотирланар, тўсиқдан ўтиб олиш жуда қийндай туюларди. У Ўзбекистонда туриб, Германиядаги шарт-шароит, қонун-қоидаи тўлиқ тушунадиган инсонлар маслаҳати жуда муҳим, деб ўйларди.

— Бу йил Ўзбекистондаги болалар ва ўсмирлар стоматологиясига оид мақсадим сари қадам қўйишга эришдим. "Ватандошлар" жамоат фонди раҳбарияти, хусусан, Одилжон Сатторов билан суҳбатлашганимизда, улар қўзғалтган мақсадларимни қўллаб-қувватлади ва шу билан бирга, "Ватандошлар" жамоат фонди бу йўлда менга ҳамроҳ бўляпти. Мақсадларимга муваффақият билан эришимизда ҳар вақт ёрдамга тайёр эканигини таъкидлади. Бу борада Меморандум имзолашга ҳам эришдик.

Атласу адрасларимизни Германияда танитсам...

Бугун Мюнхенда яшайтган ўзбек қизи миллий қиймларимизни нафақат маълум бир тадбирларда, балки одатий кунларда ҳам фахрланиб

кийиб юради. "Бунинг ўзгача завқи норозилик кўрсатади, яъни фарзанди билан катталардек гаплашишни талаб қилади. Табиийки, бундай шароитда немис болалари ўзларини анча эркин тутайди, мустақил фикрлашга ҳам эрта киришади.

Шу маънода, айрим ҳолатларда фарзандларимизни ортиқча эркалашимиз, вояга етиб қолса ҳам мустақил бўлишга йўл бергимиз келмаслиги панд беради, деб ўйлайман. Миллийлик руҳида тарбиялаш масаласига келсак, фикримча, аввало, бу бора-

Юртимизга бутунлай қайтсам...

Қаҳрамонимиз билан суҳбатимиз сўнгига қачондир Ўзбекистонга бутунлай қайтса, қайси соҳада фаолият юритиб, нималар билан шуғулланиши, бошқа режалари ҳақида гаплашдик.

Унинг ҳам ақсарият ватандошларимиз қайи Ўзбекистонга бутунлай қайтиш нияти йўқ эмас, албатта. Мақсадлар, режалар эса даврга ҳамоҳанг ўзгариб туради. Аммо ҳар қандай вазиятда ҳам қатъий режаси — Ўзбекистонда болалар стоматологиясини ривожланган давлатлар стандартига олиб чиқиш. Бунинг амалга ошиши учун жуда кўп изланиши ва Ўзбекистон билан боғлиқ сафарларни қўлай-тириши кераклигини Нигора яхши билади.

Имкон қадар Германияда туриб, ўзбекистонлик ота-оналар йўллаётган саволларни жавобсиз қолдирмасликка ҳаракат қилаётган қаҳрамонимиз болалар ва ота-оналар учун алоҳида бир китоб ёзишни ҳам ўйлаб қўйган.

Айни пайтда Германияда қандай стандартларда иш олиб бораётган бўлса, она Ватанида ҳам болалар ва ўсмирлар стоматологиясида шунинг давом эттириш унинг ягона истаги. Қолаверса, у ўқув муассасалари, ота-оналар билан ҳамкорликда ишлаш, ўқитувчи, тарбиячилар билан профилактика ишларини олиб бориш, соғлиқни сақлаш доирасида суғурталарнинг инсонларга фаол ёрдам

Ўзгаришлар катта

Уйингиздан 3-4 кун, бординг, ана бир ҳафта кетсангиз, қайтиб келганингизда албатта нимадир ўзгараганини сезасиз, чунки шу пайтгача эътибор қил-



маган, сиз учун арзимасдек туюлган нарсаларга ташқаридан разм соласиз. Пойтахтга ҳар замонда келадиган юртдошларимизнинг "Э, бу жойлар танимайдиган бўлиб кетибди-ку", деганини кўп эшитганимиз. Энди чет элдаги ватандошларимизнинг юртимиз остонасига кириб келгандаги ҳайратини тасаввур қилаверинг.

Нигоранинг бу борада тўлқинланиб, ҳам ислохотлардан рози бўлиб айтган самимий жумлалари шундай бўлди:

— Узимиз Германияда бўлсак-да, руҳимиз Ўзбекистонда гўё. Жонажон ватанимиз охириги йилларда жуда ривожланмоқда. Иқтисодий, ижтимоий, таълим, тиббиёт, спорт, қўйингки,

барча соҳада ўзгаришлар бўртиб турибди. Одамлар мамнунлигини юз-кўзидан шундоққина пайқайсиз.

Ҳаммасидан ҳам бизни хурсанд қилгани — давлат идораларидаги ўзгаришлар. Авваллари бир ҳужжат юзасидан ишимиз тушса, ҳафталаб овора эдик, ҳали униса кам, ҳали буниси... Ўзбекистонга бир ойга дам олишга борсак, шунинг деярли ярми қандайдир ҳужжат ишларини тўғри-лаш билан ўтиб кетарди. Ҳозир эса ишингиз тез битади. Давлат идораларидаги ходимларнинг муомаласи ҳам ижобий томонга сезиларли даражада ўзгарган. Бирор нимани тушунамай, икки марта сўрашга тўри келса, оғринмай тушуштиришади. Илгаригидек, бу саволим билан асабига тегиб қўймасмиканман, деган ҳадик қийнамай-ди энди.

Юртимизга бутунлай қайтсам...

Қаҳрамонимиз билан суҳбатимиз сўнгига қачондир Ўзбекистонга бутунлай қайтса, қайси соҳада фаолият юритиб, нималар билан шуғулланиши, бошқа режалари ҳақида гаплашдик.

Унинг ҳам ақсарият ватандошларимиз қайи Ўзбекистонга бутунлай қайтиш нияти йўқ эмас, албатта. Мақсадлар, режалар эса даврга ҳамоҳанг ўзгариб туради. Аммо ҳар қандай вазиятда ҳам қатъий режаси — Ўзбекистонда болалар стоматологиясини ривожланган давлатлар стандартига олиб чиқиш. Бунинг амалга ошиши учун жуда кўп изланиши ва Ўзбекистон билан боғлиқ сафарларни қўлай-тириши кераклигини Нигора яхши билади.

Имкон қадар Германияда туриб, ўзбекистонлик ота-оналар йўллаётган саволларни жавобсиз қолдирмасликка ҳаракат қилаётган қаҳрамонимиз болалар ва ота-оналар учун алоҳида бир китоб ёзишни ҳам ўйлаб қўйган.

Айни пайтда Германияда қандай стандартларда иш олиб бораётган бўлса, она Ватанида ҳам болалар ва ўсмирлар стоматологиясида шунинг давом эттириш унинг ягона истаги. Қолаверса, у ўқув муассасалари, ота-оналар билан ҳамкорликда ишлаш, ўқитувчи, тарбиячилар билан профилактика ишларини олиб бориш, соғлиқни сақлаш доирасида суғурталарнинг инсонларга фаол ёрдам



БОҚИЙ МЕРОС

СУЛОЛанинг МУСТАҲКАМ ҲАЛҚАСИ



Ўзбек миллий бахшичилик санъатининг ноёб дурдоналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбига ушбу санъат турига ҳурмат-эътибор туйғуларини кучайтириш бахшиларимиз зиммасига улкан масъулият юклайди. Шунингдек, улар турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда янада кенгайтиришга ҳам ўз ҳиссасини қўша олиши билан ўзига хос шахслардир.

Ана шундай бахшилардан бири — Равшан бахши Маматмуродов 1969 йили Сурхондарё вилоятининг Денов туманида зиёли оилادا таваллуд топган. Отаси Ўзбекистон халқ бахшиси, марҳум Бобораим бахши Маматмуродов Равшаннинг дostonчиликка қизиқишга сабабчи бўлган. Уларнинг уйида бахшилар тез-тез йиғилиб турар ва тонг отгунча дoston қўйлашар, ёш Равшан эса ухламасдан дoston тинглаб, ёд олар эди. Отасидан дўмбира чертишни ўрганиб олишга ҳаракат қиларди. Даставвал, у зшитган дostonларини одамлар кўзидан пана, овлоқ жойларда хиргойи қила бошлаган. Уйларига бўладиган дoston кечаларининг бирида бир бахши: "Бўрининг боласи бўри бўлади, бахшининг боласи бахши бўлади, қани, сендан ҳам бирор нарсa эшитайлик", деб ўз дўмбрасини Равшаннинг қўлига тутқазди. Унинг бу мактовли сўзларидан ҳаяжонланган Равшан қўлига дўмбирани олиб, шу бахшиларнинг ўзларидан эшитиб, ёдлаб олган дostonларидан парча қўйлаб беради.

Ўғлининг айтган термаларидан хурсанд бўлган Бобораим бахши ёш Равшанни тўйларга ўзи билан бирга олиб боради, тонготар қилиб дoston ва термалар қўйланарди. Отасининг ёнида ўтириб, марок билан дoston эшитган Равшан воқеяларда қаҳрамонлари ўрнида худди ўзи иштирок этаётгандек бўларди.

1984 йили Сурхондарё вилояти Шеробод туманида "Ёш бахшилар" қўриқ-танловига қўлиб бўлган Равшан бахши муваффақиятдан рухланиб, янада кўпроқ дostonлар ёд олишга киришди. Бобораим бахшидан 40 дан ортиқ дoston, 30 дан ортиқ дўмбира қуйи ва терма ўзлаштирган.

1986 йили ёш бахши Денов туманидаги 6-мактабни тамомлаб, Термиз давлат университетидаги ҳужжат топширади. Абитурientлигида "Ёш ижодкорлар" қўриқ-танловига фаол иштирок этиб, 1-ўрин соҳиби бўлган йигит имтиҳондан ўтиб, қўишга қабул қилинади. У ижодий фаолияти давомида кўплаб фестиваллар, фольклор байрамларининг фаол иштирокчиси, қўриқ-танловларда қўлиб бўлган.

2019 йил 5-10 апрель кунлари Термиз шаҳрида бўлиб ўтган I Халқаро бахшичилик санъати фестивалнинг республика доирасидаги қўриқ-танловига фахрли 2-ўрин, 2021 йил 14-20 сентябрь кунлари Нукус шаҳрида бўлиб ўтган II Халқаро бахшичилик санъати фестивали доирасида ўтказилган республика қўриқ-танловига 3-ўринни қўлга киритишга муассар бўлди ҳамда "Қадриятлар давомчиси" номинацияси совриндорига айланди.

Ҳозирги кунда Равшан Маматмуродов Денов тумани 16-болалар мусиқа ва санъат мактабининг бахшичилик синфи ўқитувчиси ҳамда Денов тадбиркорлик ва педагогика институтида она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериш баробарида, Бобораим бахши

номидаги Денов дostonчилик мактаби тўғрагини юритиб келяпти, ундан ортиқ истеъдодли шоғирднинг устози.

Равшан бахши Маматмуродовнинг шоғирдлари Акрам бахши Мамажабобов, Одил бахши Маматмуродов ва Шерали бахши Азиммуродов I Халқаро бахшичилик санъати фестивали дипломларини қўлга киритган, бир неча қўриқ-танловларда қўлиб бўлган.

Равшан бахши оилавий бахшичилик силсиласининг мустаҳкам халқаси вазифасини ҳам шараф билан ўтаб, укаси Жўрабек бахшини ота изидан боришга, худди отасидек бахшичилик санъати силсиларини мукамал ўрганишга даъват этмоқда. Шу қаторда ўғли Эрали, неваралари Одил, Баҳром, Мухлиса ҳам бахшичилик йўлини ўрганмоқда.

Равшан бахши Маматмуродовнинг бахшичилик санъатини ривожлантириш, кенг тарғиб этиш, ёш авлодга ўргатиш ва келажак авлодларга мерос қилиб қолдириш борасидаги сермахсул ижодий фаолиятига юксак эътибор қаратилди. У 2021 йилда Мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрами арафасида "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Айни пайтда у "Сўфи Оллоёр" дostonини чоп этиш баробарида, анъанавий ва замонавий термалар ҳам ёзиб, нашрга тайёрламоқда.

Бахши дўмбрасини ўзининг овози ва усулига мослаб, аввал қуй чалади, сўнгра дўмбрасини мадҳ этади.

*Бир майдон сўйлайин, дўмбирам,
Сенинг таърифине этайин.
Дўмбирам, чаногинг тутдан
Ўзинг қимматсан ёқутдан.*

Бахши қуйни шунчаки эрмак учун чертиб, фақат узигагина завқ-шавқ олишни ўйламайди. Бахши ўйноқи, шўх, сехрли дўмбира оҳанглари билан кишилар қалбига оламжаҳон шодлик, қувонч, ифтихор ва ҳаётга муҳаббат туйғуларини камол топтиради. Зеро, бахшичилик ҳам моҳирона санъат. Халқ ҳар қандай дўмбира чертувчини ҳам бахши деб тан олмайди. Бу номга лойиқ бўлиш учун эл дилини дўмбирда моҳирлик билан ифодалай олиш лозим.

Бахшичиликда устоз-шоғирдлик анъанаси ўта муҳим ўрин тутайди. Умид билан қўлига соз тутган бахши борки, биринчи галда, устозлар сабоғини олади. Қаҳрамонимиз Равшан бахши отасидан олган сабоқларини шоғирдларига ўргатиб келмоқда. Бу шарафли вазифани адо этар экан, у юртимизда бахшичилик санъатининг янада ривож топишига ҳисса қўшаётганидан бахтиёр.

Муассар ТУЛЯЕВА,
Республика бахшичилик санъати маркази
Устоз-шоғирд мактаби бўлимининг кичик илмий ходими

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер максадада сахифаланди.
Газетанинг полиграфдик жихатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги

томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** I-764.
82285 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза якуни — 00:20 Топширилди — 01:35